



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2004 йил 28 апрель, чоршанба

№35 (11.630)

Эркин нархда сотилади

ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИ ЙИГИЛИШИ

Шу йил 26 апрель кuni Тошкент вилояти фаолларининг ислохотлари янада чуқурлаштириш бўйича 2004 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда вилоят фаолларининг февраль ойида ўтказилган йиғилишларида белгиланган вазифаларнинг ба-жарилиши ҳамда иқтисодийни эркинлаштиришнинг асо-сий йўналишларини амалга оширилишига бағишланган йи-ғилиши бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, бош-кармалар, банкарлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбар-лари, шаҳар ва туман ҳоким-лари, корхоналар, ташки-лотлар, хўжаликлар, тад-биркорлик субъектлари ва-киллари иштирок этдилар.

Йиғилиши вилоят ҳо-ким Козим Тўлаганов бош-карди.

Таъкидланганидек, 2004 йилнинг биринчи чорагида вилоятда макроиктисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш, барча соҳадаги ислохотларни чуқурлашти-риш борасида белгилаб олинган устувор йўналиш-лар бўйича амалий ишлар олиб борилди. Ана шулар-нинг натижасида йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг бирин-чи чорагига нисбатан 4,1 фоизга ўсди. Саноатда ўсиш суръати 7,2 фоизни, истеъ-мол моллари ишлаб чиқа-ришда 6,6 фоизни, капитал қўйилмаларни ўзлаштириш-да 47 фоизни, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари иш-лаб чиқаришда 6,7 фоизни, чакана савдо айланмасида 10,9 фоизни, пулли хизмат кўрсатишда 8 фоизни, май-ший хизматда 30,2 фоизни ташкил этди. Экспорт ҳажми эса 132,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, та-шки савдода 62,9 миллион доллар ижобий салдога эришилди. Биринчи чорак мобайнида режадаги 663 та ўрнига 1429 та кичик биз-нес ва тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, улар ҳисобига 8688 та янги ишчи ўринлари яратилди. Шу даврда вилоятда қишлоқ инфратўлимини ривож-лантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, 54,7 километр табиий газ тармоқ-лари, 10,2 километр ичим-лик сув тармоқлари, 56,3 минг квадрат метр уй-жой-лар фойдаланишга топши-рилди. «Меҳр ва муруват йили» дастурида белгилан-ган тадбирлар асосан тас-диқланган режаларга муво-фиқ бажарилмоқда. Ўтган

саноат корхоналари раҳ-барлари билан биргаликда аҳолини чуқур таҳлил этиб, биринчи навбатда уларнинг ишлаб чиқариш қувватла-ридан фойдаланиш дара-жасини кўтариш, инвести-цияларни жалб этиш, за-монавий асбоб-ускуналар ва технологияларни жорий этиш орқали рақобатбар-дош саноат маҳсулотлари, жумладан истеъмол молла-ри, экспортбон маҳсулот-лар ишлаб чиқариш юза-сидан аниқ вазифалар юк-латилди.

Капитал қурилиш соҳа-сида иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ҳам кам-чиликлар мавжудлиги таъ-кидланди. Хусусан, капитал сармоялар Ангрен, Олмалик, Янгийўл шаҳарларида, Окқўрган, Зангиота, Чиноз, Юқоричирчиқ, Янгийўл ту-манларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кам ўзлаш-тирилди. Оҳангарон тумани-да эса қурилиш-монтаж иш-лари умуман олиб борилма-ган. Шунингдек, коммунал соҳасидаги ислохотлар, истеъмолчиларнинг газ, сув, иссиқлик ва бошқа хизмат-лар учун тўловларни уни-риш борасида ҳам изчил ишланмаётганлиги таъкид-ланди. Вилоят ҳокимлиги-нинг саноат, капитал қури-лиш, коммуникация, комму-нал хўжалик ва ободонлаш-тириш масалалари мажму-сига шаҳар, туман ҳокимлик-лари ҳамда тегишли бош-карма, идоралар билан бир-галикда корхона ва ташки-лотларни давлат тасарруфи-дан чиқариш ва хусусийлаш-тириш дастурининг бажари-лиши, капитал қурилишда тендер савдоларини ташкил этиш, қурилиш ишларининг аниқ ҳажмини белгилаш, си-фатини таъминлаш ва пуд-рат ишларини молиялашти-ришдаги камчилик ва муам-моларни ҳал этиш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди.

Шу кuni қишлоқ хўжали-гидаги ислохотларни чуқур-лаштириш, хусусан ер ре-сурсларидан самарали фой-даланиш, баҳорги дала иш-ларини агротехника тадбир-лари асосида давом этти-риш, 2004 йилги бошқоқ дон ҳосилини йиғиштириб олишга тайёргарлик қўриш юзасидан зарур чора-тад-бирларни қўриш лозимлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Фаоллар йиғилишида қўрилган масалалар юза-сидан тегишли қарор қабул қилинди.



Янгийўл шаҳрида барпо этилган «Я-Дем-Текс-тил» Ўзбек-Турк қўшма корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб бормоқда. Унинг барча бўлимлари-да иш қизгин давом этапти. Асосан ёшлар-дан иборат бўлган корхона жамоаси замона-вий дастгоҳларни мукам-мал эгаллаб, уларнинг қувватидан самарали фойдаланиб, иш сифати-ни ошириб бормоқдалар. Ушбу суратларда тикувчи Рихси Маматова (чапдан) ва назоратчи Васила Зоитоваларни маҳсулот сифатини қўздан кечи-раётган вақтда ва корхо-на лабораторияси ходи-ми Камола Заминовани толанинг пишиқлигини синаётган пайтда қўриб турибсиз.

Сарвар ЎРМОНОВ
олган суратлар.
(ЎЗА).

Тадбиркорлар учун

«КЎМАҚДОШ»НИНГ МАҚСАДИ ХАЙРЛИ

Вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тад-биркорлар палатаси қошида «Кўмақдош» кредит уюшмасини тузиш бўйича ишлар бошлаб юборилди.

У шаҳар ва туманларда фаолият юри-таётган ва янги иш бошлашни режалаш-тирган тадбиркорларнинг моддий таъми-нотини мустаҳкамлаш, уларнинг кредит олишларида кўмаклашиш ва бу соҳадаги

бошқа муаммоларни ҳал этиш мақсадида тузилаётган. Янги уюшмани тузиш билан боғлиқ барча ташкилий масалалар яқин кунларда нихосига етади.

Уюшмага аъзо бўлиш истагини билди-рган тадбиркорлар палатанинг шаҳар ва туман бўлимларида муносабат этишлари мумкин.

Рустам РАХИМОВ.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида «Сайловчиларнинг ташаб-бускор гуруҳлари: тажриба, муаммо ва ечимлар» мавзу-ида республика семинар-тренинги бўлиб ўтди.

ДОЛЗАРЪ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Мазкур институт томонидан ташкил этилган тадбирда «Ма-қалла», «Нуроний» ҳамгарма-лари, «Камолот» ёшлар ижти-моий ҳаракати каби жамоат ташкилотлари раҳбарлари, ом-мавий ахборот воситалари вакиллари, олимлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар жорий йил охирида Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлисида бўлиб ўтадиган сайлов ва унинг ҳа-кимиз ҳаётидаги муҳим ижти-моий-сиёсий аҳамияти хусуси-да гапирдилар. Юртимизда илк бор икки палатали парламент-га тақдирладиган бу сайлов янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-га сайлов тўғрисида»ги қонун-га мувофиқ амалга оширила-ди.

Анжуманда бўлажак сайлов-нинг ўзига хос хусусиятлари, сайловолди тадбирларини ўтқа-зиш босқичлари, сайлов мав-суми шабтнинг тўлиқлиги ва фаолияти, сайловчилар ташаб-бускор гуруҳлари томонидан депутатликка номзодларни ил-гари суриш билан боғлиқ ма-салаларга эътибор қаратилди.

ЎЗА.

Бугуннинг гапи

Бу йил вилоятимиз хўжаликлари 115 минг гектар сугори-ладиган майдон ҳамда 20 минг гектар далаи ерда бошоққ дон етатиришмоқда. Мутахассисларнинг қўзғатувлари на-тижаларига қараганда галланинг ривож, ҳосил тўплаши анча яхши. Бугунги кунда вилоят бўйича 60 фоиз, Беко-бод, Ьўжа, Окқўрган туманлари хўжаликларида эса, 70-75 фоиз майдондаги галла тўла бошоққай.

Эндиги муҳим вазифа ўрим-йиғим мавсумига ҳар томонлама пухта тайёргарлик қўришдир. Шу билан бир вақтда сўнгги ўғитни солиш ва енгил сўғоришга ҳам жи-дий эътибор бериш зарур. Мутахассислар-нинг фикрига кўра, галла бо-шоққайлар пайт-да гектарига 100 килограмм-дан аммиак селитраси бери-либ, зудлик бил-лан енгил сўғи-рилса, бу ўғит ҳосилининг мўл ва сифати бўлишига ёрдам беради.

Қолаверса, ўрим-йиғим мавсуми бошлангунга қадар галлазорлардаги намликни 70-75 фоиз даражасида уш-лаб туриш ҳам ҳосилининг ба-ракали бўлишига хизмат қилади. Бунинг учун кузатув-ни тўхтовсиз давом эттириб, намлик камайган майдонлар-га енгил сув қўйиш зарур. Шунда бошоқлар бўлиқ, дон тўқ бўлиб етилади.

Ўрим-йиғимга тайёргарлик олиш асосан уч йўналишда олиб борилиши лозим. Би-ринчи навбатда дон комби-натлари ва қабул қилиш пун-ктларини май ойининг бош-ларидаёқ тўла таъмирдан чи-қариш зарур.

Вакт эса қутиб турмайди. Тавмирлаш ва сошлаш иш-ларини бутун чоралар билан тезлаштириш, бунинг учун мажбур барча куч ва имкони-ятларни тўла сафарбар этиш керак. Шунингдек, юқори ма-лакали ва энг тажрибали «Кейс» операторлари ва ме-ханик-хайдовчиларни ҳозир-данок танлаб, уларнинг бу-тун мавсум давомиди навбат-ма-навбат юксак унум билан ишлашини таъминлаш мақ-садида гуруҳлар ташкил этиш ва ўримда қатнашадиган бар-

ча техника воситаларини уларга бириктириб қўйиш ҳам бугуннинг муҳим вазифа-ридан биридир.

Бўлиб ўтган кейинги ёгин-гарчилардан сўнг аксари-ят галла майдонларида бе-гона ўтлар қўпайганлиги куза-тилмоқда. Агар улар ҳозир-данок йўқотилмаса, ҳадемай, ўрим-йиғим ишлари бошлан-ганда, комбайнларнинг ун-умли ишлашига ҳалал беради ва доннинг ортиқча ифлосла-нишига сабаб бўлади. Чирчиқ дарёси бўйлаб жойлашган

муаммоларни ҳал этиш мақсадида тузилаётган. Янги уюшмани тузиш билан боғлиқ барча ташкилий масалалар яқин кунларда нихосига етади.

Уюшмага аъзо бўлиш истагини билди-рган тадбиркорлар палатанинг шаҳар ва туман бўлимларида муносабат этишлари мумкин.

хуруж қилаверади.

Мутахассисларнинг таъ-кидлашига қараганда, бу йил касаллик ҳам, зарарку-нанда ҳашаротлар ҳам де-ярли йўқ. Фақат Бекобод туманида 15 гектар майдон-да занг пайдо бўла бошла-гани аниқланиб, тезда ким-ёвий ишлов берилди ва тар-қалишининг олди олинди. Бундан ташқари оз бўл-сада, ҳасва тарқалиши эҳти-моли бўлган майдонларга олтинқўз энтомофаги қўйил-ди. Шунга қарамай, касал-лик ва зараркунанда йўқ, деб хотиржамликка берил-май, кузатувни давом этти-риш ва зарурат туғилганда зудлик билан чора қўриш керак.

Бу йил келаси мавсум ҳосили учун экиладиган уруғчилик галлани вилоят-нинг ўзига тайёрлаш мақ-садида 16500 тонна уруғ-лик дон етиштириш мўлжалланмоқда. Бунинг учун ҳар бир туманда уруғ-чилик хўжаликлари танла-ниб, алоҳида майдонлар белгиланган. Галлазорлар ана шу майдонларга жи-дий эътибор қаратишлари зарур. Бу майдонларда бошоқлаш даврига мўлжал-ланган ўғитни ҳозирдан кечиктирмай тўлиқ бериш, ўрим бошлангунча, бу май-донларда 70-75 фоиз на-млик бўлишини таъминлаш мумкин.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн тўртинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 29 апрель кuni эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 28 апрель кuni соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва 29 апрель кuni соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

ВИЛОЯТ ҳаёти

«ИБРАТ» ЯНА ҒОЛИБ

Ўртачирчиқ туманидаги 4-умумтаълим мактаби-нинг ёш ҳуқуқшуносларидан иборат «Ибрат» жамо-аси «Сиз қонунни биласизми?» қўриқ-таплови худу-дий босқичининг ғолиби бўлди.

Ангрен, Олмалик, Охангарон шаҳарлари ҳамда Ўртачирчиқ тумани жамоалари ўртасидаги баҳсларда «Ибрат» ёш-лари ўзларининг ҳуқуқий саводхонликларини на-мойиш этдилар. Энди улар вилоят финал бос-қичида иштирок этадилар.

Равшан
НЕЪМАТЖОНОВ.

ҚИШЛОҚ ФУТБОЛЧИЛАРИ БАҲСИ

Чиноз тумани агросаноат мажмуи ходимлари каса-ба уюшмаси йил бошидан буйи хўжаликлараро ҳамда хўжалик ичидида футбол жамоалари ўртасида му-собоқалар ўтказиб келмоқда.

Кuni кеча «Дўстлик» ширкат хўжалигида «Дўстлик-1» ва «Дўстлик-2» футбол жамоалари-нинг беллашуви бўлиб ўтди. Унда 2:2 дуранг натижа қайд этилди. Жа-моаларга касаба уюшма-си томонидан эсдалик совғалари топширилди. Энг яхши ўйинчи но-минациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Рустам РАШИДОВ.

«ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ» САҲНАДА

Янгийўл туманидаги Фан ва маданият уйида туман мактабларининг ижодкор ўқитувчи ва ўқувчилари ўртасида беш йўналиш бўйича «Зулфияхоним қизла-ри» қўриқ-тапловининг туман босқичи ўтказилди.

Унда адабиёт йўнали-ши бўйича 22-мактаб-нинг 10-синф ўқувчиси Умид Фоййова бирин-чи ўринга сазовор бўлди. 50-мактабнинг ўқувчиси Матлуба Соди-қова тасвирий санъат йўналишида фахрли ўринни эгаллади. Мада-ният йўналишида ўтган беллашувда 45-мактаб-нинг мусиқа фани

ўқитувчиси Ойижон На-мозбоева барча дугона-рини доғда қолдирди. Фан йўналишида 5-ма-ктабнинг ўқувчиси Зул-фия Рейжапова илғорли-гини намойиш этди. 58-мактаб-интернатнинг 10-синф ўқувчиси Луиза Отабоева таълим йўнали-шида фахрли ўринни эгаллади.

Хуршида НАЗАРОВА.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР СЕМИНАРИ

Бўстонлиқ туман ҳокимлиги хотин-қизлар кўмита-си, «Тадбиркор аёл» уюшмаси туман бўлими ташаб-буси билан ўқув семинар ташкил этди.

Унда туманда фаолият олиб бораётган тадбиркор ва ишбилармон аёллар, фермерлар иштирок эт-дилар. Семинар давоми-да қатнашчилар ўзлари-нинг ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулотлар айлан-

ма савдосидаги ютуқ ва камчиликлари борасида фикр алмашдилар. Келгу-си фаолиятда қўл келадиган ҳамкорлик режалари-ни белгилаб олдилар.

Шерали
РАҲМАТУЛЛАЕВ.

«КАМОЛОТ»ЧИЛАР ҲАШАРИ

Қибрай тумани «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳарака-ти аъзолари қарияларни қадрлаш, уларнинг мушкул-ни осон қилиш мақсадида кўмак тадбири ўтказдилар.

Унга кўра туманда исти-қомат қилаётган ёлғиз қариялар хонадонида кўкнаш хашари ташкил этилди. Кексаларга муру-ват кўрсатилиб, ташкилот-нинг махсус совғалари топ-ширилди.

Ўз мухбиримиз.

Хотима

ЧИНОЗДА ЯНГРАГАН НАВО

Муҳаммад Юсуф ёниб яшарди, жўшиб шеърлар ёзарди, битикларини ҳофизлар қўлашарди. Унинг ижодида ҳамиша миллатига, юртига меҳр ва муҳаббат туйғулари жўш уриб турарди.

Шу кунларда вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига бағишланган хотира кечалари ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Чиноз туманида бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, вилоят «Маънавият ва маърифат» кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда барча туман ва шаҳарлардан шеърят ихлосмандлари ййилдилар.

Юртим омон бўлсин, бари болаларинг, Ва уларга доя, туғруқхоналар ҳам. Омон бўлсин уфққа туташ далаларинг, Далаларда бизни туққан оналар ҳам!

Унинг хотира кечаси бу сафар бежиз Чинозда ўтказилмади. Муҳаммад Юсуф 171-Чиноз сайлов округидан Олий Мажлис депутати этиб сайланганди. Бу ишонч эса, шоирни халқ, миллат манфа-

ати йўлидаги фаолиятига қизғин руҳ бағишлаган эди. У ҳамиша халқ кўз ўнгига, одамлар билан мулоқотда бўлиб миллат раънақи, унинг тақдирига елкадошлик қилар эди.

Тадбирни очар экан, вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова Муҳаммад Юсуфни элу юртда кадр тоғлан халқ шоири дея таърифлади.

— Ўзгалликни кўрганда жуда ҳам гўзал экан деган сўз ҳаёлимизга келди. Ана шундай гўзал, бетакорор, ноёб истеъдод эгаси Муҳаммад Юсуф доимо элимизнинг дилида, тилининг учига турган гапларни шеърли оҳангларга солиб айта олар-

ди. Шу маънода бугунги куннинг замонавий қаҳрамонларини яратиш, ҳаётга эндигина қадам қўётган ёшларни шоирнинг қисқа, аммо ибратли ҳаёти ва ижоди мисолида тарбиялаш, нафақат адабиётимиз, қолаверса, барчамизнинг олдимизда турган вазифа эканлигини унутмаслигимиз керак, — деди у.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, шоир Сирожиддин Сайиди, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёв Жабборов, Олий Мажлисининг оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси, шора Шарифа Салимова, республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси бошқарув раиси Исфандиёр Фанатов, филология фанлари номзоди Сайди Умиров, шоирнинг рафиқаси Нази-

ра Саломова, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раиси Махмуд Тоир ва бошқалар маънавий келажагимиз, фаровон ва улуг истиқболимизни Муҳаммад Юсуф ижодисиз, унинг шеърларисиз кўз олдимизга келтиролмай-миз, унинг шеърляти, дилрабо қўшиқлари халқимизнинг ҳамиша ёруғ келажақ сари ундайди, ёшларни ишонч руҳида тарбиялайдиган юксак маънавий омил бўлиб хизмат қилади дея таъриф ва тавсиф берди-лар.

Шу кунги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Махмуджон Азимов, Тошпўлат Маткаримовлар шоир шеърларига басталган қўшиқлардан ижро этдилар.

Шавкат ТУРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЯНГИ ҚЎЛЁЗМАЛАР ТОПИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Чет элларга олиб чиқиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларни қайтариб олиб келиш бўйича махсус комиссия раиси, Олий Мажлис депутати, академик Н. Иброҳимов ва Олий Мажлис депутати, мазкур комиссия аъзоси З. Мунавваровдан иборат хайъат Миср Араб Республикасида бўлди.

Комиссия аъзоларининг қадимий қўлёзмалар, илмий ва маданий бойликларга оид асарларни ёки уларнинг нусхаларини қайтариш мақсадида Мисрнинг турли кутубхона ва архивларида олиб борган ишлари натижасида халқимиз меросига тааллуқ-

ли қатор асарлар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, Қоҳирадаги «Ал-Ахром» марказининг Қўлёзма ва китоблар бўлимида Те-мурийлар даври тарихи, санъати ва адабиётига оид «Тазкират ал-Шуаро», «Тазкират Зиж ал-Имодий», «Равдат ал-Сафо

фи Сир ал-Анбиъ», «Шарҳ Зиж Улугбек» қўлёзмалари ва мусаввир Бехзоднинг Саъдий «Бўстон»ига ишланган 15 та миниатюраларининг электрон нусхаси сотиб олинди, мамлакатимизга келтирилди.

«Жаҳон» АА.

ИНТЕРНЕТГА УЛАНДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона-сида Интернет маркази иш бошлади.

Энди китобхонлар нафақат юртимиздаги, балки АҚШ, Буюк Британия, Россия, Малайзия каби давлатларнинг электрон кутубхоналаридаги ада-биётлар билан ҳам танишиш имконига эга бўлди.

Юртимиздаги энг йирик кутубхоналардан бири бўлган ушбу зиё масканида кўплаб ноёб бадий,

илмий асарлар, даврий матбуот, маҳаллий ва хорижий нашрлар мавжуд. Айни вақтда у кутубхона-шунослик, кутубхона иши тарихи йўналиши бўйича маълумотларни ўзида жамловчи ва мувофиқлаштиручи йирик илмий тадқиқот маркази ҳамдир.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.



КИТОБ – МАЪНАВИЯТ БУЛОҒИ

Бекобод тумани Марказий кутубхоналар тизимида Меҳр ва мурувват йили муносабати билан кўплаб ибратли ишлар қилинмоқда. У 298768 та китоб фондига эса. Утган йили тизим учун 1080 та янги китоблар олинди.

Ўзининг 33182 нафар китобхонларига эга бўлган зиё масканида хилма-хил тадбирлар ўтказиш одат тусига кирган. Бу ерда тез-тез китобхонлар билан учрашувлар, адабий-бадий кечалар, суҳбат ва викториналар ўтказиб турилади.

Марказий кутубхонанинг ўқув залидан китоб кўргазмалари, буюк аждодларимизнинг ҳаётини акс эттирувчи лавҳалар, мамлакатимиз истиқлолига оид янгиликлар ўрин олган. Фаол китобхонлар иштирокида газета ва журналларда чоп этилаётган долзарб мавзулар шарҳи, библиографик

обзорлар ҳам ўтказиб борилади.

Марказий кутубхона директори Бахриддин Нурматов етакчилигида фаол иш олиб бораётган кутубхона-чилар китоб — маънавият булоғи эканлигини чуқур хис этган ҳолда Меҳр ва мурувват йилида қизқарли тадбирлар ташкил этиш, китобхонларга янада намунали хизмат кўрсатишни режалаштириб қўйишган.

СУРАТДА: туман Марказий кутубхонасида ўтган навбатдаги тадбирдан лавҳа.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

СПОРТ *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ*

ЎҚИШ ВА СПОРТ ЭГИЗАК

Тошкент туманидаги ижтимоий иқтисодий коллежи нафақат вилоятимизда, балки республикада ўз мактебига эга бўлган билим даргоҳларидан ҳисобланади. Бу ерда 500 га яқин талабага 38 нафар ўқитувчи, мутахассислар билим бериб келмоқда. Билим маскани ўз раъсий бағълари, байроғи, эмблемаси, маънаси ва шориюга эга. Замонавий жиҳозланган иккита компьютер хонаси, 7500 нусхадаги китобга эга кутубхона, спорт хонаси, 100 ўринли охона, видеозал, ички телефон алоқаси талабалар хизматида.

— Ушбу коллежни тилга олишимизнинг асосий бир сабаби борки, бугун гап шу ҳақда. Коллежнинг II аънавий «Саломатлик кўни» спартакиадаси ташкил этилди. Тумандаги истироҳат боғида ўтказилган мусобақага барча талабалар жалб этилди.

— Ушбу спартакиадани ўтказишдан мақсад, — деди коллеж директори Саидкарим Раҳмонбердиев, — 2005 йилда вилоятимизда ўтказилажак «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига ўйинчиларни саралаш, «Алломиси ва Барчиной» тест синовлари финал босқичини ўтказиш, талабаларни жисмонан етук ва ахлоқий баркамол, Ватанга сардоқ руҳида қимил инсон қилиб тарбиялаш, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини замон талаблари даражасида ривожлантиришни амалга оширишдан иборат.

Шундан сўнг спортчи гуруҳлар кетма-кет меҳмонлар ва ҳакамлар қаршидан ўта бошлашди. Сафни ўқув масканининг байроғини кўтариб олган энг иқтидорли ва спортчи талаба Асомиддин Ҳасанов бошқариб борди. Спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари спартакиаданинг кўтаринки қайфиятида бошлангисига замин яратди. Шун-

дай қилиб спорт турлари бўйича беллашувлар қизгин бошлади.

Қизлар ўртасида ўтган 500 метрга югуриш баҳсида Нодира Ҳўжаева, Дилнора Солипова, Умида Утенова, Гулнора Орифбоева пешқадамликни кўлдан бой беришмади. 60 метри масофада ўтган беллашувлар натижасига кўра, Дурдона Ҳалимова энг яхши натижа кўрсатиб, биринчи ўринга сазовор бўлди. Дилнора Байсанова ва Саодат Тожиевава иккинсининг кучи тенг келиб, иккинчи ўрин соҳибаларига айланганди. Учинчи ўрин Камола Иноғомовага насиб этди.

Дурдона ҲАЛИМОВА,
спартакиада иштирокчиси:

— Мен ушбу мусобақада иштирок этиб, спорт инсон ҳаётида катта ўрин тутишини англаб етдим. Спорт билан ошно бўлган одам жисмонан бақувват, руҳан тетик бўлиб вояга етаркан. Мақсадим, ўқи билан спортни бирга олиб бориш.

Ийитлар ўртасидаги 1000 метрга югуриш беллашуви ҳам мурасосиз кечди. Гоҳида бир иштирокчи ўзиб кетса, яна бир вақтда иккинчиси ташаббусни кўлга оларди. Лекин узоқ масофа уларнинг сарасини саракча, пучагини пучак-

ка акратиб қўйди. Шухрат Ҳафизов (2 дақиқа 38 сония), Умид Муҳамедов (2 дақиқа 41 сония), Саидкарим Абдуллаев (2 дақиқа 45 сония)лар ўзларининг абжир, чаққон эканликларини намойиш этишди.

200 метрга югуришда Жамолддин Кўчқоров, Тўлқин Алиев, Жамшид Ибодуллаевларнинг олдида тушадигани бўлмади. Абдумажид Валиев, Жамшид Ибодуллаев тош кўтаришда поёлон эканликларини исбот этишди. Сакраш баҳслари ҳам томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Унда Абдуғофур Турдиев, Эркин Купеидинов, Жасур Шомуродов энг яхши натижа кўрсатишди. Камола Иноғомова, Хилола Усмонова, Камола Қайумова каби қизлар ҳам улاردан ҳеч қолишгани йўқ. Ядро иргитиш бўйича ўтказилган беллашувнинг якуний натижаларига кўра, Ботир Қосимов, Жондўз Урмешов, Асомиддин Ҳасанов, Дилфуза Аюпова, Арофат Ҳамидова, Дилноза Махмудова каби талабалар фахрий ёрлиқлар билан тақдирланишди.

Ушбу спартакиадани кўнгилдагидек ўтказишда туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, ўрта-махсус касб-хунар таълими бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар яқиндан ҳамкорлик қилишди.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

АНДИЖОНДА ҲАМ БЎЛМАДИ...

Мамлакат чемпионати олий табақа жамоалари навбатдаги еттинчи тур учрашувларини ўтказдилар. Вилоятимиз вақили «Металлур» жамоаси Андижонда майдон эгалари билан баҳс юритди.



Ўйиннинг биринчи бўлими тенг курашлар остида ўтган бўлса ҳам майдон эгалари ҳужумчиси Бахтиёр Ҳамидуллаев ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Танафусдан сўнг эса, андижонликлар тўла устунлик қилишиб, металлурчилар дарвозасига яна икки тўп кириштирдилар. «Металлур» тўртинчи мағлубиятдан сўнг саккизинчи ўринга тушиб

кетди. Турнинг марказий учрашуви «Насаф» — «Пахтакор» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Томонлар ҳужумкор ўйин кўрсатган бўлишлари-га қарамай, ўйин 0:0 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди.

Қолган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди: «Нефчи» — «Машъал» — 3:0, «Локомотив» — «Сурхон» — 0:0, «Навбахор» — «Трактор» 1:0, «Қизилкум» — «Бухоро» — 1:2, «Самарканд» — «Сўғдиёна» — 4:0.

«КИМЁГАР»НИНГ ОМАДСИЗ САФАРИ

Куни кеча бўлиб ўтган олтинчи тур учрашувида улар Тошкентда «Пахтакор-2» жамоаси меҳмони бўлиб, учрашуви майдон эгаларига 1:2 ҳисобида бой бериб қўйдилар. Вилоятимизнинг биринчи лигадаги иккинчи вақили Олмаликнинг «ОТМК» жамоаси Тошкентда «Шайхонтоҳур» жамо-

аси меҳмони бўлиб, яхши ўйин кўрсатди. Натижада учрашувнинг биринчи бўлимида ҳисобни очиб, олдинга чиқиб олган бўлса, иккинчи бўлимда яна учта тўп кириштирди. 4:2 ҳисобида зафар қучди ва очколари-сонини 11 тага етказиб олди ва жадалда учинчи ўринни банд

этди. «Кимёгар» тўққиз очко билан тўртинчи ўринда турпти.

Қолган учрашувлар куйидагича якунланди: «Гулистон» — «Шахрихон» — 2:0, «Цементчи» — «НВУ-Осиё» — 2:0, «Поп-Фен» — «Локомотив-2» — 1:1.

Талъат ЮСУПОВ.

Биласизми?

Ёнғоқ ғўрасининг таркибида витаминлар лимон, апельсин, мандарин ва смародиналарга нисбатан 40 марта кўп.

Шунинг учун ёнғоқ ғўрасидан тайёрланган қиём уйку қочиси, ҳам қуйилиши, тинка қуриши, бош оғриғи, кўз тиниши, қулоқ шангилаши ҳамда барча аъзолари яра бўлишдан сақлайди. Томир, қон ҳаракатлари сусайганда ёнғоқ ғўраси қиёмидан кунига икки

марта бир чой қошиқдан ейиш керак. Нафас олиш ва юрак фаолияти сусайганда ҳам ёнғоқ қиёмини истеъ-моқ қилиш фойдали.

Ҳозирги кунда кўп учрайдиган йод танқислиги туфайли юзага келаётган касалликларни олдини олишда ҳам ёнғоқ ғўрасидан тайёрланган қиём яхши ёрдам беради.

Жийданинг бир тури нон жийда дейилади. Нон эса, ҳаёт дегани. Илгари дастурхонга иккита нон ёнига албатта бир ҳовч жийда тўкиб қўйишарди Чунки, жийданинг мевалари тансихатлик учун жуда бой манба.

К. ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.



Кечаси +7...+12
Кундузи +15...+20

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУХИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар
бўлими: 133-40-48
Эълолар: 133-58-85,
136-53-54

Матбуот:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун рек-
лама ва эълон берувчилар
масъулдир.